

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

КАРАБАЕВ НОДИР АБДУҲАМИДОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ
АСОСИДА БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Қарабаев Нодир Абдухамидович

Тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида
баҳолашни такомиллаштириш 3

Қарабаев Нодир Абдухамидович

Совершенствование оценки на основе рейтинговой системы
деятельности коммерческих банков 25

Karabayev Nodir Abdukhamidovich

Improving assessment of commercial banks' performance
on the basis of the rating system 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

КАРАБАЕВ НОДИР АБДУҲАМИДОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ
АСОСИДА БАҲОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt.108 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси «Ziynet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мирзаев Фарход Исамович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Каримов Норбой Ғаниевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Султанбаева Мунира Баходировна
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги DSc27.06.2017.I.15.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент тшаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй, Тел.: (99871)237-53-25, факс: (99871)237-54-01, e-mail: info@bfa.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Бекмуродов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Н.М.Махмудов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон банк тизимида рақобатнинг кучайиб бориши халқаро рейтинг агентликлари томонидан уларнинг фаолиятига тўғри баҳо бериш заруратини келтириб чиқармоқда. Банклар фаолиятига турли ташкилотлар ва рейтинг агентликлари томонидан тўғри баҳо бериш банк хизматларидан фойдаланиш даражасининг ошишига олиб келмоқда. Жаҳон банки томонидан ҳар йили банк активлари ҳажми рейтинги ҳам эълон қилиб борилади. 2017 йил якунига кўра, мазкур кўрсаткич бўйича кучли бешликда Хитой Халқ Республикаси банклари Industrial and Commercial Bank of China (ICBC) -3,47 трлн. АҚШ доллари, China Construction Bank Corporation – 3,02 трлн. АҚШ доллари, Agricultural Bank of China – 2,82 трлн. АҚШ доллари, Bank of China ltd -2,62 трлн. АҚШ доллари билан етакчилик қилган. Бу эса Хитой банкларининг жаҳон бозорида турли институтлар билан рақобатлашиш имкониятларини ошириш ҳамда улар мижозлари сонининг кескин ўсишига олиб келган¹.

Жаҳон банк тизимида банк рискларини бошқариш, кредиторларнинг тўловга лаёқатлилигини баҳолаш, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларда инқирозга қарши курашда молиявий бошқарувни ташкил этиш, рақобат бозорида устунлигини таъминлаш, ташқи инвесторларни жалб этиш ҳамда мижозларнинг банка бўлган ишончини оширишда банк рейтинг тизимининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Қолаверса, Базель кўмитасининг банк рискларини бошқариш ва банк кредиторларининг тўловга лаёқатлилигини баҳолаш бўйича янги талабларини бажаришда рейтинг тизими энг муҳим омиллардан бири саналади. Ушбу ҳолат, ривожланаётган давлатларнинг жаҳон банк бозорида ўз ўрнини эгаллашда банкларнинг рейтингини аниқлашдаги кўрсаткичлар тизимини янада такомиллаштириш борасидаги илмий ёндашувларга катта эътибор қаратиш заруратини келтириб чиқармоқда. Хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейин ҳар бир давлат банкларининг фаолиятини таҳлил қилишда рейтинг тизимини яратиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилиши мамлакат банк тизимида бўлган ишончнинг ортишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда банк тизимидаги муаммоларни аниқлаш ва ечимини топишда тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашни такомиллаштириш жараёнларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да² банк тизимини ислоҳ этишга қаратилган миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, банк фаолиятини тартибга солувчи замонавий

¹<http://sharkfx.ru/top-20-krupnejshix-bankov-miracayti> маълумотлари асосида тайёрланди.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида асосан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 117-124 бандлари. – www.lex.uz

тамойил ва механизмларни жорий этиш, нақдсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ва қамровини ошириш, банк кассаларига нақд пул тушумини рағбатлантириш, кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли Қарори ва бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Мавзунинг республикада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Халқаро рейтингни ташкил этиш, уларни турли моделлар асосида баҳолаш масалалари M.Modina, H.Bar-Isaac, J.Shapiro, P.Bolton, X.Freixas, J.Hilscher, M.Wilson, D.Morgan, J.Mathis, J.McAndrews, J.C.Rochet, M.Pagano, P.Volpin, L.White, S.Pagratissa, M.Stringab, J.Amato, C.H.Furfine, R.Ahmad, M.Ariff, M.Skully³ каби хорижлик иқтисодчиларнинг ёндашувларида тижорат банклари рейтинг тизимини яратиш ва турли моделларни қўллаш масалалари ёритилган бўлиб, мазкур тадқиқотлар мавзунини ўрганишда методологик асос бўлиб хизмат қилади.

МДХ мамлакатларида банк рейтингини аниқлаш ва унинг методологик асосларини яратиш муаммолари Л.Н.Андреанова, Р.Г.Сафиканов, В.О.Чарая, Р.Галикеев, В.С.Кроманов, А.М.Карминский, А.В.Казанский, О.В.Кожевникова, Н.В. Лифанова ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган⁴.

³Modina, Michele. Credit Rating and Bank-Firm Relationships. New Models to Better Evaluate SMEs. Palgrave Macmillan UK. 2015. p. 83.; Bar-Isaac, H. and J. Shapiro (2011a). 'Ratings quality over the business cycle', working paper. Bar-Isaac, H. and J. Shapiro (2011b). 'Credit ratings accuracy and analyst incentives', The American Economic Review: Papers and Proceedings, 101(3), 120-124.; Bolton, P., X. Freixas and J. Shapiro (2012). 'The credit ratings game', Journal of Finance, 67(1), 85-112.; Hilscher, J. and M. Wilson (2011). 'Credit ratings and credit risk', working paper, mimeo.; Morgan, D. (2002). 'Rating banks: risk and uncertainty in an opaque industry', The American Economic Review, 92, 874-888.; Mathis, J., J. McAndrews and J.C. Rochet (2009). 'Rating the raters: Are reputation concerns powerful enough to discipline rating agencies?' Journal of Monetary Economics, 56, 657-74.; Pagano, M. and P. Volpin (2010). 'Credit ratings failures and policy options', Economic Policy, 62, 401-431.; White, L. (2010). 'Markets: The credit rating agencies', Journal of Economic Perspectives, 24(2), 211-26.; Spyros Pagratissa, Marco Stringab. Modeling Bank Senior Unsecured Ratings: A Reasoned Structured Approach to Bank Credit Assessment//International Journal of Central Banking/ June 2009.; Amato, J. D., and C. H. Furfine. 2004. «Are Credit Ratings Procyclical?» Journal of Banking and Finance 28 (11): 2641-77.; Ahmad R., Ariff M., Skully M. (2009), Determinants of Bank Capital Ratios in a Developing Economy, 'Asia-Pacific Financial Markets', 15(3-4), pp. 255-272.

⁴Сафиканов Р.Г. Развитие капитальной базы как фактор обеспечения устойчивости // Молодой ученый. - 2014. - №8. - С. 582-584.; Чарая В.О. Причины внедрения Базель III, его характеристики и ожидаемые эффекты //

Бундан ташқари, банк соҳасининг энг муҳим кўрсаткичлари ва уларнинг даражасини ошириш, юзага келадиган турли рискларнинг олдини олиш масалалари бўйича И.Т.Балабанов, Л.Батракова, П.С.Роуз, Х.Грюнинг, С.Н.Кабушкин, Г.Щербакова, Э.Ж.Синки, Е.П.Жарковская, Е.Ф.Жуков, О.И.Лаврушин, В.М.Усоскин, Е.Б.Ширинская ва бошқалар тадқиқот олиб боришган³.

Ўзбекистонда банклар фаолиятини рейтинг тизимида баҳолашнинг айрим хусусиятлари, жумладан, банк капитали етарлилигини таъминлаш масалалари, ликвидлик даражасини ошириш, банк рақобатбардошлигини таъминлаш, CAMELS рейтинг тизими асосида республика банк тизими рейтингини баҳолаш услубиятини такомиллаштириш масалалари Ш.З.Абдуллаева, Б.Т.Бердияров, Т.И.Бобоқулов, О.К.Иминов, Ф.И.Мирзаев, А.А.Омонов, О.А.Ортиқов, О.Б.Саттаров ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган⁴.

Аммо, Ўзбекистон банк тизими фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолаш, айниқса тижорат банклари ўртасида ички рақобат муҳитини яратишда уларнинг рейтинг тизимини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилмаган. Айнан шу жиҳат диссертация мавзуини танлаш ва тадқиқот вазифалари доирасини белгилашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси «Иқтисодий ва модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуидаги илмий тадқиқот ишларига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашни такомиллаштириш юзасидан илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашнинг моҳияти, зарурлиги ва мақсадини ёритиб бериш;

тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашнинг хориж тажрибасини таҳлил этиш ва Ўзбекистон банк тизимида қўллаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

тижорат банклари рейтингини аниқлаш методлари ва таҳлил қилиш масалаларини ўрганиш ҳамда баҳолашнинг янги методини ишлаб чиқиш;

Молодой ученый. - 2012. - №5. - С. 246-249.; Андрианова Л.Н. Рейтинг на рынке ценных бумаг и ведущие международные рейтинговые агентства // Финансы, 2000, № 8. - С. 58-60.; Галикеев Р. Финансовая устойчивость банка и методы рейтинговой оценки // Финансист, 2001, № 2. - С. 47-53.; Кромонав В.С. Методика составления рейтинга надежности. Учебник. - 2-е изд., стер. - М. Издательство «Омега-Л», 2011. - 325 с.; Карминский А.М. Сопоставление рейтинговых шкал для финансовых институтов // Управление финансовыми рисками. 2016. № 4. - С. 256-271.; Казанский А.В. Рейтинговая оценка деятельности коммерческих банков (Сущность, цели, методы) : Дис. ... канд. экон. наук : 08.00.10 : СПб., 1997 178 с.; Кожевникова О.В. Совершенствование системы методического обеспечения рейтинговых оценок деятельности коммерческих банков: Дис. ... канд. экон. наук : 08.00.10 : Ростов н/Д, 1999 178 с.; Лифанова Н.В. Интегральная оценка банков в системе управления банковской деятельностью : Дис. ... канд. экон. наук : 08.00.10 : Самара, 2004 166 с.

Марказий банк томонидан ўрнатилган мажбурий иқтисодий нормативларнинг бажарилишини таҳлил қилиш асосида банклар рейтинги йўналишларини ишлаб чиқиш;

республика тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолаш ва назорат қилиш борасида мавжуд бўлган асосий муаммоларнинг моҳиятини очиб бериш;

тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолаш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда фаолият юритаётган йирик тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолаш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий асослар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашда фойдаланиладиган молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида гуруҳлаш, қиёсий ва таркибий таҳлил, синтез, индукция ва дедукция, эконометрик-статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолаш тартиби соф барқарор молиялаштириш меъёрини киритиш орқали такомиллаштирилган;

тижорат банклари рейтинги ўзгариши эҳтимоллигини аниқлаш ва прогнозлаш амалиёти банклар капиталлашув даражасини оширишнинг муқобил мезонлари асосида такомиллаштирилган;

тижорат банкларининг мажбуриятлар бўйича ренкингини оширишда банк маркетинг бўлими фаолиятини кенгайтириш орқали аҳоли учун қулай манфаатли омонат турларини жалб этишнинг «маркетинг-аҳоли-омонат» механизми асосланган;

тижорат банкларининг капитал бўйича ренкингини оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида янги интерактив банк хизматларини жорий этиш тартиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

мажбурий иқтисодий нормативлар орқали тижорат банклари рейтингини баҳолаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашнинг иқтисодий моҳиятини қиёсий ўрганиш асосида унинг амалиётини доимий равишда такомиллаштириб бориш зарурати асослаб берилган;

тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашда Крамонов усулидан фойдаланиш самарали усул эканлиги асосланган;

тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашнинг самарали усуллари ҳамда уларни амалиётда қўллаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилган;

тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашдаги муаммолар аниқланиб, уларнинг ечимлари юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларни таниқли иқтисодчи олимларнинг банк фаолиятини тизимли бошқариш концепциялари ва уларнинг банк фаолиятини ривожлантиришдаги ўрни, илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, банк рейтингини баҳолашдаги илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, эксперт баҳолаш натижаларига, Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси, тижорат банкларининг маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлилига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолаш, банklar бозорида рақобат муҳитини ривожлантириш; рейтинг кўрсаткичларини жорий этиш асосида банklarнинг халқаро бозорга чиқиш масалаларини таъминлаш; рейтинг тизимини баҳоловчи кўрсаткичлар даражасини ошириш асосида Базель III талабларини босқичма-босқич бажариш ва унга мослашиш; тижорат банклари фаолиятига таъсир қилувчи рискларнинг олдини олиш; банк капитали етарлилигини таъминлаш асосида рейтингини ошириб бориш каби илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар республика тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тижорат банки рейтингини тўғри баҳолашда соф барқарор молиялаштириш меъёрини киритиш бўйича таклифи «Алоқабанк» АТБ амалиётига жорий этилган («Алоқабанк» АТБнинг 2018 йил 29 октябрдаги 19-12/4789-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида тижорат банкининг 2018 йилда миллий валютадаги депозитлари – B1/NP, хорижий валютадаги депозитлари – B2/NP кўрсаткичлари бўйича рейтинг прогнози Moody's халқаро рейтинг агентлиги томонидан «Барқарор» прогнози берилган;

Халқаро Early Warning Systems (EWS) моделига асосланган ҳолда тижорат банклари рейтингини ўзгариши эҳтимоллигини аниқлаш ва прогнозлаш бўйича таклифи «Алоқабанк» АТБ амалиётига жорий этилган («Алоқабанк» АТБнинг 2018 йил 29 октябрдаги 19-12/4789-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши асосида банк рейтинг кўрсаткичларининг эҳтимоллий ўзгариши мониторинги натижасида «Ахбор-Рейтинг» миллий рейтинг компанияси

томонидан АТ «Алоқабанк»нинг 2017 йилдаги “UzA+”(юқори) кредитга лаёқатлилиқ рейтингини 2018 йилда ҳам қайта тасдиқланишга эришилган;

тижорат банки мажбуриятлар бўйича ренкингини оширишда аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш ҳамда аҳоли учун қулай манфаатли омонат турларини «Манфаат», «Ифтихор 2017», «Агролюкс» ва «СПК муддатли» жалб этиш бўйича таклифи «Агробанк» АТБ амалиётига жорий этилган («Агробанк» АТБнинг 2018 йил 20 апрелдаги 21-03/120-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида аҳолининг муддатли ва жамғарма омонатлари қолдиғи 2017 йил бошига нисбатан 106,3 млрд. сўм ёки 119 фоизга ошган, мажбуриятлар бўйича банк ренкинги 2016 йилга нисбатан 1 поғонага, банк секторидаги улуши (2,9%) 3,8% га ошган;

тижорат банкида интерактив банк хизматлари, жумладан «Agrobankmobile» инновацион хизмат турига бюджет ва мактабгача таълим муассасаларига тўловларни киритиш орқали капитал бўйича ренкингини ошириш таклифи «Агробанк» АТБ амалиётига жорий этилган («Агробанк» АТБнинг 2018 йил 20 апрелдаги 21-03/120-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий этилиши натижасида «Agrobankmobile» инновацион хизмат тури бўйича мижозлар сони 32,2 минг нафар кишини ташкил этиб, 140 га яқин тўловларни амалга ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий ғоя ва хулосалари 3 та халқаро, 24 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация иши натижалари жами 42 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 11 та илмий мақола, жумладан, 28 таси республика, 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиғи ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиғи кўрсатилган, илмий янгилиғи ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашнинг назарий масалалари**» деб номланган биринчи бобида тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашнинг моҳияти, зарурлиғи ва мақсадининг назарий масалалари очиқ берилган.

Рейтинг кўрсаткичларининг банклар тизимидаги назарий асослари турлича ёндашувларга асосланган. Жумладан, банк рейтинги - молиявий кўрсаткичлар асосидаги банк баланси маълумотлари асосида аниқланади. Бу таъриф, бизнингча, тор маънони ифода этган бўлиб, унинг иқтисодий моҳиятини кенг очиб бермаган. Айрим назарий қарашларда банк рейтинги – банк балансидаги маълумотларнинг тўғрилигини ифода этувчи, банк фаолиятининг имкониятларини ёритиб берувчи ҳамда бозор иқтисодиёти фаолиятида тутган ўрнини белгилаб, у ҳақда ахборот етказувчи индикатор, деб келтириб ўтилган.

Рейтингни аниқлашда турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, жаҳон амалиётида рейтинг белгиланишининг 3 та асосий усули мавжуд: жумладан тартиблаш (рақамлаш) усули, балл усули ҳамда индекс усули.

Тижорат банклари рейтингини аниқлашнинг энг муҳим элементлари берилаётган маълумотларнинг ишончли ва объектив эканлиги ҳисобланади. Банк рейтингини аниқлаш мустақил рейтинг агентликлари томонидан амалга оширилиб, тижорат банклари банк бизнесини олиб боришда бозорда унинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилиши зарурлигини белгилаб беради.

Айрим олимларнинг фикрича, банк рейтинги банкларнинг бошқа кредит институтлари орасида ўрнини белгилаш учун муҳим ҳисобланади. Олиб борилган кўпгина тадқиқотларда банклар рейтингини аниқлашда асосий эътибор бошқарув сифати ва молиявий кўрсаткичлар таҳлилига қаратилган. Умуман олганда, банк рейтингининг асосий мақсади банк мижозлари олдидаги ишончлилик даражасини аниқлашдан иборат. Банк ишончилигини баҳолаш банк мижозлари учун банк билан ишлаётган турли молиявий институтлар ҳамда банкнинг ўзи учун ҳам муҳим муаммолардан бири саналади. Чунки банклар ўз ҳамкорларининг фаолиятини баҳолаб боришлари зарур ҳисобланади. Ўрганилган турлича ёндашувлар асосида ҳамда банк рейтингининг назарий асосларидан келиб чиқиб, қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Банк рейтинги – банклар фаолиятини тизимли баҳолаш бўлиб, бунда турли банкларнинг баланси ва молиявий кўрсаткичлари ўзаро таққослаш асосида аниқланади. Таққослаш мезонлари сифатида кўрсаткичлар ҳажми, банк ривожланишини белгиловчи омиллар, сифатли кўрсаткичлар ҳамда банкка бўлган ишончлилик даражаси олинади.

Банк рейтинги, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, унинг асосий молиявий кўрсаткичлари асосида тузилади ёки қисқа маънода баланси асосида бўлиб, бу «фойда ва зарар»га асосланади.

Хулоса қиладиган бўлсак, банклар фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашда турлича ёндашувлар бўлиб, уларнинг асосий мақсади тижорат банкларининг рейтинг тизимини тўғри баҳолаш имконини бериши зарур. Бу эса банк мижозлари, инвесторларнинг ўз маблағини ишончли жойлаштиришга олиб келади.

Диссертациянинг «Тижорат банклари рейтингини аниқлашдаги кўрсаткичларни баҳолаш амалиётининг таҳлили» деб номланган иккинчи

бобида тижорат банклари рейтинг фаолиятини аниқлашдаги кўрсаткичларни баҳолаш усуллари ва уларнинг қиёсий тавсифи ҳамда тижорат банклари рейтингини аниқлашдаги кўрсаткичларининг иқтисодий нормативлар орқали бошқаришнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилинган.

Республикада тижорат банклари ренкинги ҳисоблаб бориш тартиби жорий этилган бўлиб, бу «Ahbor-Reyting» агентлиги томонидан амалга ошириб борилади. Бунда асосий эътибор тижорат банкларининг асосан 5 та кўрсаткичлари бўйича ўрни ва бозордаги улуши бўйича ҳисоботлар тайёрланишига қаратилган. Тадқиқотимизда «Агробанк»нинг 5 йиллик маълумотлари асосида ренкинги ва бозордаги улуши таҳлил қилинди (1-жадвал).

1-жадвал

«Агробанк»нинг ренкинги⁵

Кўрсаткичлар	2013 й.	Улуши, % да	2014 й.	Улуши, % да	2015 й.	Улуши, % да	2016 й.	Улуши, % да	2017 й.	Улуши, % да
Активлар	6	6.5	7	6.3	7	6.4	8	4.7	9	4.0
Мажбуриятлар	7	6.4	7	6.7	7	6.5	10	4.5	9	3.8
Капитал ҳажми	4	7.8	4	7.8	4	7.7	5	5.4	4	6.6
Кредит портфели	6	7.1	6	7.5	6	7.3	6	5.8	6	5.3
Инвестициялар ҳажми	5	4.4	6	4.1	6	4.0	4	4.5	3	5.8

Жадвал маълумотига эътибор қаратадиган бўлсак, банкнинг активлар бўйича ренкинги йилдан-йилга пасайиш тенденциясига эга бўлган. Худди шундай ҳолатни мажбуриятлар бўйича ҳам кузатиш мумкин. Капитал ҳажми ва кредит портфели ренкинги бўйича деярли бир хил ўринни эгаллаб турган бўлса, банкнинг инвестициялар ҳажми бўйича 2017 йилда 2013 йилга нисбатан 2 поғона кўтарилганини кўриш мумкин.

Тадқиқот ишида тижорат банкларини Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий нормативларни бажариш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, уларни стандартлашган комплекс рейтингини аниқлаш бўйича тавсия ишлаб чиқилди. Бунинг учун 3 та банкнинг иқтисодий нормативларни бажариш кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинган.

Тижорат банкларининг комплекс рейтингини аниқлашни фақат бир йил (2016 йил) учун ҳисоблаш тартибини таҳлил қилиб ўтамиз.

Демак, банкларнинг К1 кўрсаткичи бўйича эталонни танлашда уларнинг энг катта қиймати танлаб олинади. Танлаб олинган эталон кўрсаткичи орқали банкларни комплекс рейтингини ҳисоблашнинг стандартлашган матрицаси тузиб олинади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

⁵«Агробанк» молиявий ҳисоботлари асосида тайёрланган.

$$x_{ij} = \frac{a_{ij}}{a_{ij}^{\text{эталон}}} \quad (1)$$

Бу ерда: a_{ij} ва $a_{ij}^{\text{эталон}}$ - қатордаги кўрсаткичларнинг энг каттаси.

Худди шундай ҳолатда қолган кўрсаткичларнинг эталони ҳам танлаб олинади. Натижада қуйида келтирилган жадвал ҳосил бўлади (2-жадвал).

2-жадвал

Тижорат банкларининг иқтисодий норматив талаблари бўйича эталонини танлаб олиш жадвали (коэффициентларда, 2016 йил учун)⁶

Кўрсаткичлар	Ипотекабанк	Агробанк	Ўзсаноатқурилишбанк	Кўрсаткичлар эталони
К1	0,117	0,098	0,151	0,151
К2	0,094	0,095	0,137	0,137
К3	0,060	0,098	0,082	0,098
К4	0,539	0,300	0,690	0,690
К5	0,241	0,116	0,209	0,241
К6	0,000	0,000	0,000	0,000
К7	5,391	0,446	7,950	7,950
К8	0,054	0,000	0,004	0,054
К9	0,000	0,000	0,000	0,000
К10	0,089	0,480	0,035	0,480
К11	0,067	0,013	0,000	0,067
К12	0,152	0,033	0,001	0,152
К13	0,078	0,098	0,012	0,098
К14	0,126	0,116	0,071	0,126

Изоҳ: бу ерда К1,...К14 Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий нормативлар.

Кейинги қадамда аниқланган эталон қийматларидан фойдаланган ҳолда стандартлашган матрицани тузиб оламиз. Матрица қийматидан фойдаланган ҳолда банкларнинг стандартлашган рейтингини баҳолашни қуйидаги формула орқали ҳисоблаймиз:

$$K_j = \sqrt{(1 - x_{1j})^2 + (1 - x_{2j})^2 + \dots + (1 - x_{nj})^2} \quad (2)$$

Бу ерда: i -чи банкнинг стандартлашган кўрсаткичлари. Бунда энг кичик қийматга эга бўлган банк қиймати рейтингини биринчи ўринга қўйилади. Тижорат банкларининг стандартлашган матрица жадвали қуйидагича бўлади (3-жадвал).

⁶ Муаллиф томонидан тузилган.

**Тижорат банкларининг стандартлашган матрица жадвали
(коэффициентларда, 2016 йил учун)⁷**

Кўрсаткичлар	Ипотекабанк	Агробанк	Ўзсаноатқурилишбанк
K1	0,775	0,649	1,000
K2	0,686	0,693	1,000
K3	0,612	1,000	0,837
K4	0,781	0,435	1,000
K5	1,000	0,481	0,867
K6	0,000	0,000	0,000
K7	0,678	0,056	1,000
K8	1,000	0,000	0,074
K9	0,000	0,000	0,000
K10	0,185	1,000	0,073
K11	1,000	0,194	0,000
K12	1,000	0,217	0,007
K13	0,796	1,000	0,122
K14	1,000	0,921	0,563

Олинган маълумотлар асосида банклар рейтингини ҳисоблаб топамиз:

$$K_j = \sqrt{(1 - 0.075)^2 + (1 - 0.686)^2 + (1 - 0.612)^2 + (1 - 0.781)^2 + (1 - 1.000)^2 + \sqrt{+(1 - 0.000)^2 + (1 - 0.185)^2 + (1 - 1.000)^2 + (1 - 1.000)^2 + (1 - 1.000)^2} + \sqrt{+(1 - 0.796)^2 \dots + (1 - 1.000)^2} = 1,777$$

Шу тартибда қолганлари учун ҳам кетма-кетликда ўрин берилади (4-жадвал).

**Тижорат банкларини стандартлашган комплекс рейтингини
(коэффициентларда, 2016 йил учун)⁸**

Кўрсаткичлар	Ипотекабанк	Агробанк	Ўзсаноатқурилишбанк
Рейтинг кўрсаткичи	1,777	2,442	2,590

Олинган натижаларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2016 йилда банкларнинг иқтисодий нормативларни бажариш кўрсаткичларидан фойдаланган ҳолда комплекс рейтингини аниқлаганимизда учта банк ичида «Ипотекабанк»– 1,777 кўрсаткич билан биринчи ўринни эгаллаган, «Агробанк» эса 2,442 га тенг бўлиб, «Ўзсаноатқурилишбанк» учинчи ўринни эгаллаган. Қолган йиллар бўйича ҳисоблаганимизда қуйидаги кўринишга эга бўламиз (5-жадвал)

⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

Тижорат банкларининг стандартлашган комплекс рейтингги⁹

Банклар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
Ипотекабанк	1,660	1,648	1,630	1,777	2,358
Агробанк	2,802	2,728	2,822	2,442	2,649
Ўзсаноатқурилишбанк	2,361	2,413	2,527	2,590	2,894

Олиб борилган тадқиқотлар асосида таҳлил қиладиган бўлсак, учта банк ичида «Ипотекабанк» рейтингги биринчи ўринни эгаллаган. Ундан кейин иккита банк ўзаро ўрин алмашган ҳолда ўз ҳолатини сақлаб қолган. Ушбу усул орқали банклар рейтингини баҳолашнинг қулайлик томонлари қуйидагилар билан белгиланади. Биринчидан, Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий нормативлар банклар томонидан бажарилишининг мажбурийлиги. Иккинчидан, ушбу нормативларни бажаришда банкларнинг барча кўрсаткичлари банк бошқаруви томонидан доимий назоратга олиб борилиши. Учинчидан, банкларнинг иқтисодий нормативларни бажаришда доимий равишда мижозлар олдидаги имижини сақлаши рейтингини аниқ баҳолаш имконини беради. Тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашда турли иқтисодий нормативларнинг қанчалик бажарилиши муҳим ҳисобланади.

Диссертациянинг «Тижорат банклари рейтингини аниқлаш методларининг эконометрик таҳлили масалалари» номли учинчи бобда тижорат банклари рейтингини аниқлаш методлари ва таҳлил қилиш масалалари, банклар рейтингини прогноз қилишнинг эконометрик таҳлили кўриб чиқилган.

Тижорат банклари рейтингини баҳолашда унинг ички ва ташқи омилларига алоҳида эътибор қаратилади. Айнан тижорат банкларининг муҳим кўрсаткичлари асосида ички рейтинг тизимини баҳолаш асосий ўрин эгаллайди. Тижорат банкининг фаолиятини комплекс таҳлил қилишда шундай методикадан фойдаланиш керакки, у таҳлилнинг энг юқори даражадаги самарадорлигига эришишга имкон берсин. Экспертлар томонидан банкларнинг рейтингини аниқлашда балли ва сонли методлардан фойдаланганда асосан статистик маълумотлардан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Таҳлилларга кўра, экспертлар ўрганган объектлар учун қўйилган баҳоларни умумлаштирган ҳолда унинг салмоғи олинади, яъни қанча улушга эга эканлиги асосида баҳоланади. Банк рейтингини баҳолашнинг яна бир усули Latent Structure Analysis (LSA) деб номланиб П.Лазорсфег томонидан таклиф этилган. Ушбу моделнинг қулайлиги шундаки, биринчи босқичда барча экспертлар томонидан объектлар жуфт-жуфт кўринишда солиштириб чиқилади. Натижада ҳар бир эксперт учун $A_k = \{a_{ij}\}_k$ матрица тузилади. Агар, объект j объектга нисбатан устунроқ бўлса, у ҳолда $a_{ij}=1$, ҳамда $a_{ji}=0$. Агар экспертлар томонидан

⁹Муаллиф томонидан тузилган.

объектлар бир хил деб баҳоланса, у ҳолда $a_{ij}=a_{ji}=0,5$ га тенг бўлади. Барча экспертларнинг натижасига кўра, қуйидагича матрица тузилади:

$$P = \frac{1}{n} * \sum_{k=1}^n A_k \quad (3)$$

Бу ерда, ҳар бир элемент i -чи объектни j -чи объект билан ўзаро солиштириш эҳтимоллигига боғлиқ бўлади. Эксперт баҳолашдан кейин амалиётда кенг тарқалган методлардан бири баҳолаш функциясини балансли ёндашув асосида (balance approach) қуриш методи ҳисобланади. Ушбу метод ёрдамида банкларнинг баланс маълумотлари асосида рейтинги аниқланади. Бунинг асоси сифатида маълумотларни математика ва математик-статистик асосда таҳлил қилиш ётади. Банкларнинг барча фаолиятини ўрганадиган LSA кўрсаткичлари банк баланси асосида кўрилган турли методлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Жумладан, «The ideal method of enterprise» (ime) деб номланиб, 100 баллик тизимда баҳоланади. Бунда банк ҳар томонлама идеал кўринишда фаолият олиб бораётган бўлса, унда энг юқори 100 балл берилади. Қолган банклар рейтинги камайиб бориш тизими асосида баҳоланади. Жаҳонда банкларнинг рейтингини аниқлашда уларнинг активлари ҳажмига қараб ҳам рейтинг берилади. Масалан, бугунги кунда активлари бўйича энг йирик банклар Хитой давлатига тегишли ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда активлари бўйича кучли ўнликка кирувчи банклар маълумоти келтирилган (6-жадвал).

6-жадвал

Активлари ҳажми бўйича кучли ўнликка кирувчи давлатлар банклари рейтингини¹⁰

№	Банклар номи	Давлат	Активлари (трлн. АҚШдоллари)	
			2016 й.	2017 й.
1.	Industrial and Commercial Bank of China (ICBC)	Хитой	3,66	3,47
2.	China Construction Bank Corporation	Хитой	2,93	3,02
3.	Agricultural Bank of China	Хитой	2,81	2,82
4.	Bank of China ltd	Хитой	2,62	2,60
5.	HSBC Holdings plc	Б. Британия	2,50	2,37
6.	JPMorgan Chase	АҚШ	2,44	2,49
7.	BNP Paribas	Франция	2,40	2,19
8.	Mitsubishi UFJ Financial Group	Япония	2,30	2,59
9.	Bank of America	АҚШ	2,14	2,18
10.	Crédit Agricole	Франция	1,91	1,18

Бундан ташқари, Жаҳон банки томонидан ҳар йили банкларнинг ренкинги эълон қилиб борилади (www.thebanker.com/top1000worldbanks.). Олиб борилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, банкларнинг баланси асосида уларнинг рейтингини эълон қилиш асосий усуллардан бири сифатида қаралмоқда. Юқоридаги усуллар орқали банкларнинг рейтингини аниқлаш икки ҳолатни ҳисобга олиш зарурлигини белгилаб беради. Биринчидан,

¹⁰ <http://sharkfx.ru/top-20-krupnejshix-bankov-mira> сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

банклар фаолиятини ўрганиш бўйича эксперт сўровномаларини ўтказиш бўлса, иккинчидан, банкларнинг баланс маълумотлари орқали ҳамда экспертлар хулосасига кўра натижалар умумлаштирилиб рейтинги аниқланади.

Диссертацияда банклар рейтингини баҳолашда турли усуллар тадқиқ этилган, В.Крамонов усули тавсия этилган. Ушбу усул формуласи 6 та коэффициентга таянган ҳолда тузиб чиқилган бўлиб, уни ҳисоблаш формуласининг умумий кўриниши куйидагича:

$$N = 45 * K_1 + 20 * K_2 + 10/3 * K_3 + 15 * K_4 + 5 * K_5 + 5/3 * K_6 \quad (4)$$

Ушбу тақдим этилаётган усул орқали тижорат банкларининг рейтингини тўғри баҳолаш имконини беради (7-жадвал).

7-жадвал

В.Крамонов усулида банкларнинг рейтингини ҳисоблаш коэффициентлари формуласи ва меъёрлари¹¹

Т/Р	Коэффициентнинг номланиши	Таркиби	Формула	Меъёр
1.	К1- ишонччиликнинг бош коэффициенти	Банк рискли активларининг хусусий капитал билан қанчалик ҳимояланганлигини кўрсатади. Бу маблағ рискли активни қайтармаслик ёки ўз қийматини йўқотган ҳолда қайтариш ҳолатларидаги бўлиши мумкин бўлган зарарларни қоплашга ишлатилади	К/АР	1
2.	К2- лаҳзали ликвидлилик коэффициенти	Банк мижоз пулларини хусусий кредит захираси сифатида ишлашиш ёки ишлатмаслигини кўрсатади	ЛА/ТД	1
3.	К3- кросс коэффициенти	Банк жалб қилинган воситаларини ишлатишда рискнинг қандай даражасига йўл қўйишини кўрсатади	М/АР	3
4.	К4- ликвидлиликнинг бош коэффициенти	Банкнинг берилган қарзларни қайтармасликда кредиторлар талабларини қисқа муддат ичида қондириш имкониятини таснифлайди. Бу муддат банк бошқарувчилари учун қарор қабул қилишга ва банкка тегишли мулк ва қадриятларни сотиш муаммоларини тугатиш учун зарур	(ЛА+ХК)/М	1
5.	К5-капиталнинг ҳимояланганлик коэффициенти	Банк қанча инфляцион жараёнларни эътиборга олиниши ва ўз активларининг қанча қисмини кўчмас мулк, қимматли қоғозларга жойлаштирилганлигини кўрсатди	ХК/К	1
6.	К6-даромаднинг капитализация коэффициенти	Банкнинг самарали ишлашини характерлайди, яъни хусусий маблағини акцияларнинг қўшимча эмиссияси ҳисобига эмас, балки фойда ҳисобига ошириш имконини кўрсатади	К/УФ	3

¹¹Бекмуратов А.Ш. ва бошқалар. Тижорат банкларида рискларни баҳолаш ва бошқаришда қўлланиладиган халқаро мезонлар ва стандартлар. Ўқув қўлланма. -Тошкент, 2013. -64 б.

Бунда: К-банк капитали; АР-рискли активлар; ЛА-ликвидли активлар; ТД-талаб қилиб олингунча бўлган депозитлар; М-банк мажбуриятлари; ХҚ- химояланган капитал; УФ-устав фонди.

Ушбу тақдим этилаётган усул тижорат банкларининг рейтингини тўғри баҳолаш имконини беради. В.Крамонов усулида тижорат банки рейтинг тизимини баҳолаш оптимал N=100 га тенг бўлса, қуйидаги натижаларга эришилса мутлақ ишончли ҳисобланади:

берилган барча кредит ва бошқа рискли қўйилмалар йиғиндиси банк хусусий капиталидан ошиб кетмаса;


талаб қилиб олингунгача бўлган мажбуриятлар ликвидли активлар билан тўлиқ таъминланган бўлса;

риск даражаси банк мажбуриятларининг учдан бир қисмига тенг бўлса;

банк хусусий капитали тўлиқ қимматли металлар ва кўчмас мулкка инвестиция қилинган бўлса;

банк хусусий капитали устав фондидан уч баробар юқори бўлса.

Ушбу мезонларни тўлиқ бажарувчи банк мижозлари олдидаги ишончини йўқотмайди. Шу билан бирга, доимий равишда мажбуриятларини ўз вақтида тўлиқ бажаради. Банк рейтинги оптимал қийматга эга бўлса ёки шу қийматга интилса, у омонатчилар олдида ишончли бўлади. Юқоридаги тақлиф этган усулимиз орқали республикамизнинг йирик тижорат банклари рейтинги ҳисобланганда қуйидаги натижаларга эришилди (1-расм).



1-расм. В.Крамонов усули орқали тижорат банклари рейтинг тизимини баҳолаш натижалари¹².

Расм маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, Миллий банк тақлиф этилаётган усулда энг оптимал рейтингга эришиш имконига эга бўлган. Қолган банклар ҳам ишончли рейтингни сақлаб қолган. Энг кескин ўзгариш

¹²Муаллиф томонидан ҳисобланган.

«Ипотекабанк»да 2015 йилга нисбатан 2016 йилда пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Бундан ташқари, диссертация ишида В.Крамонов усулидан фойдаланган ҳолда унинг формуласига янги к7 коэффиценти киритилди. Бунинг кўрсаткичи сифатида банкларнинг соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти олинди.


Натижада биз таклиф этаётган усул умумий формуласи куйидаги кўринишни олди:

$$N = 45 * k1 + 20 * k2 + \frac{10}{3} * k3 + 15 * k4 + 5 * k5 + \frac{5}{3} * k6 + 10 * k7$$

Бу ерда: к1-капиталнинг етарлилик коэффиценти, к2-биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффиценти, к3-левераж кўрсаткичи, к4-битта эмитентнинг қимматли қоғозларга қилинган инвестиция максимал ҳажми, к5-жорий ликвидлик коэффиценти, к6-ликвидликни қоплаш коэффиценти, к7 соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти.

Ушбу модель банкларнинг барча кўрсаткичлари ва уларнинг энг муҳим фаолиятини қамраб олганлиги билан муҳим ҳисобланади. Таклиф этилаётган моделда к7-соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффицентининг киритилиши банкларнинг бозордаги ҳолатини тўғри баҳолаш имконини беради.

Таклиф этилаётган модель асосида банкларнинг рейтингини аниқлашда республикамиз йирик тижорат банки «Микрокредит», «Агробанк» ҳамда «Ипотекабанк»ларнинг кўрсаткичлари таҳлил қилинди.



2-расм. Тижорат банклари кўрсаткичлари асосида ҳисобланган рейтинг кўрсаткичи¹³.

Олинган маълумотлар асосида банкларнинг рейтингини таҳлил қиладиган бўлсак, 2016 йил январь ҳолатига кўра, ўртачадан паст даражада, деб баҳолаш

¹³Муаллиф томонидан ҳисоблаб топилди.

мумкин. Таҳлил қилинган банкларда соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффицентини 2016 йил якунига кўра киритилиши банкларнинг бозордаги ҳолатини тўғри баҳолаш имконини беришга ёрдам берди. Жумладан, 2015 йилда «Микрокредитбанк»нинг рейтинги кўрсаткичи 21,252 тенг бўлиб, «Агробанк»нинг кўрсаткичи 24,874 дан паст бўлган. Аммо 2016 йилга соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффицентини киритилиши бозордаги ҳолатни тўғри баҳолаш имконини берган. Яъни, «Микрокредитбанк»нинг рейтинги кўрсаткичи 32,943 га тенг бўлиб, «Агробанк»нинг кўрсаткичи 26,751 дан юқори бўлган. Ушбу ҳолатнинг юзага келишини «Микрокредитбанк»нинг куйидаги кўрсаткичлари билан баҳолаш мумкин. 2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг соф капитали бўйича бозордаги улуши (9-ўрин) 3,54 %ни ташкил этган, активлари бўйича (13-ўрин) 1,90 %ни, кредит портфели бўйича (11-ўрин) 2,18 %ни, инвестиция портфели ҳажми бўйича (17-ўрин) 0,66 %ни, депозит қолдиғи ҳажми бўйича (14-ўрин) 2,30 %ни, банкларнинг соф фойдаси бўйича (24-ўрин) 0,16 %ни, рентабеллиги бўйича (26-ўрин) 0,06 %ни, соф капитали рентабеллиги бўйича (26-ўрин) 0,23 %ни ташкил этган¹⁴.

Демак, хулоса қиладиган бўлсак, таҳлил қилинган 26 та банк ичида 2016 йил январь ҳолатига кўра, таҳлил қилинган банкларнинг бозордаги айрим кўрсаткичлари бўйича ренкинги жуда паст ўринларда, бу эса, ўз навбатида, таклиф этилган модел асосида рейтинги аниқланганда кўрсаткичлари мос равишда 32,943, 26,751 ҳамда 35,246 ни ташкил этиб ўртача кўрсаткичдан паст бўлишига олиб келган. Республикамиз тижорат банклари иқтисодий кўрсаткичлари асосида барча банкларнинг таклиф этилаётган модель асосида рейтингини аниқлаш имконини беради.

